

Фарзандлар орасида адолатли бўлиш | Сийрат дарслари (365-дарс)



19:00 / 05 февраль 557

850. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бизда ёмон хислат бўлмайди. Ҳибасини қайтиб олган қусуғини қайтиб олган ит кабидир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ҳиба – ҳадя, тортиқ дегани.

851. Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Отаси уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кўтариб бориб: «Мен бу ўғлимга қулимни бердим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳамма болаларингга ҳам шунга ўхшаб (қул) бердингми?»** дедилар. «Йўқ», деди. «Уни қайтар!» дедилар».

Бошқа ривоятда бундай келган: «Отам менга молидан садақа қилди. Онам Амра бинт Равоҳа: «То Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни гувоҳ қилмагунингча, бунга рози бўлмайман», деди. Шунда отам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни садақамга гувоҳ қилиш учун борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Ҳамма болаларингга шунга ўхшаш қилдингми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Аллоҳга тақво қилинглр ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглр»**, дедилар. Отам қайтди ва ўша садақани рад қилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Яна бошқасида шундай дейилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Башир! Сенинг бундан бошқа ҳам боланг борми?» дедилар. «Ҳа», деди. **«Уларнинг ҳаммасига шунга ўхшаш ҳиба қилдингми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Мени гувоҳ қилма. Мен жабрга гувоҳ бўлмайман»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Яна бошқасида бундай келган: «У зот: **«Уларнинг сенга яхшиликда баробар бўлишлари сени хурсанд қилмайдими?»** дедилар. «Қилади», деди. **«Ундай бўлса, ҳалигидай қилма!»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

852. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида турган эдим. Шунда у зот айтдилар: **«Эй бола, сенга ушбу калималарни ўргатаман: Сен Аллоҳни муҳофаза қил, У сени муҳофаза қилади. Сен Аллоҳни муҳофаза қил, Уни қаршингда топасан. Сўраганигда Аллоҳдан сўра. Ёрдам талаб қилганигда Аллоҳдан ёрдам талаб қил. Билки, агар умматнинг ҳаммаси жамъ бўлиб, сенга бирор наф беришмоқчи бўлса, Аллоҳ ёзган нарсадан бошқа нарсада ёрдам бера олишмайди. Агар сенга бирор зарар етказиш учун жамъ бўлишса, Аллоҳ ёзган нарсадан бошқа нарсада зарар етказа**

олишмайди. Қаламлар кўтарилиб, саҳифалар қуригандир».

Термизий, Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.